

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/05.06.2020.Tib.102.02
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

ЖАЛАЛОВА ДИЛФУЗА ЗУХРИДДИНОВНА

**АРТЕРИАЛ ГИПЕРТЕНЗИЯДА РЕТИНАЛ ЎЗГАРИШЛАРНИ
ТАШХИСЛАШ ВА ДАВОЛАШ УЧУН ДИФФЕРЕНЦИАЛ
ЁНДАШУВ**

14.00.08 – Офтальмология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд – 2024 йил

Тиббиёт фанлари доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора медицинских наук (DSc)

Contents of dissertation abstract of the doctor of medical science (DSc)

Жалалова Дилфуза Зухриддиновна

Артериал гипертензияда ретинал

ўзгаришларни ташхислаш ва даволаш

учун дифференциал ёндашув..... 3

Жалалова Дилфуза Зухриддиновна

Дифференцированный подход

к диагностике и лечению изменений

сетчатки при артериальной гипертензии..... 31

Dilfuza Zukhriddinovna Jalalova

Differentiated approach to the diagnosis

and treatment of retinal changes in arterial

hypertension..... 59

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works..... 63

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/05.06.2020.Tib.102.02
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

ЖАЛАЛОВА ДИЛФУЗА ЗУХРИДДИНОВНА

**АРТЕРИАЛ ГИПЕРТЕНЗИЯДА РЕТИНАЛ ЎЗГАРИШЛАРНИ
ТАШХИСЛАШ ВА ДАВОЛАШ УЧУН ДИФФЕРЕНЦИАЛ
ЁНДАШУВ**

14.00.08 – Офтальмология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд – 2024 йил

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2024.1.DSc/Tib596 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Самарқанд давлат тиббиёт университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.sammu.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Расмий оппонентлар:

Билалов Эркин Назимович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Янгиева Нодира Рахимовна
тиббиёт фанлари доктори, доцент

Имшенецкая Татьяна Александровна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Бошқирд давлат тиббиёт университети
(Россия Федерацияси)

Диссертация ҳимояси Самарқанд давлат тиббиёт университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc 04/05.2020.Tib.102.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2024 йил «__» _____ куни соат ____ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 140100, Самарқанд ш., Амир Темур кўчаси, 18. Тел./факс: (99866) 233 –07– 66)

Диссертация билан Самарқанд давлат тиббиёт университети Ахборот–ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 140100, Самарқанд ш., Амир Темур кўчаси, 18. Тел./факс:(99866) 233 –07– 66)

Диссертация автореферати 2024 йил «__» _____ куни тарқатилди.

(2024 йил «__» _____ даги __-__ рақамли реестр баённомаси).

Ж.А. Ризаев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Г.У. Самиева

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий
котиби, тиббиёт фанлари доктори, профессор;

М.Т. Насретдинова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари
доктори, профессор

КИРИШ (докторлик диссертацияси автореферати (DSc))

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Ривожланган мамлакатларда артериал гипертензиянинг (АГ) частотаси сўнгги маълумотларга кўра, «...катталар аҳолисида 19% дан 35% гача...»¹ ташкил қилади. АГ ривожланишининг патогенетик механизмлари орасида асосий рол эндотелий дисфункциясига тегишли бўлиб, унинг асосида медиаторлар ўртасидаги номутаносиблик, қон томир тонуси ва гемостаз тизимининг ўзгариши, эндотелийнинг тўсиқ функцияларининг бузилиши ва натижада артериал деворларнинг силлиқ мушакларини тоник функциясининг кучайиши билан асосланган артериолаларнинг торайиши. Ҳозирги вақтда кўз артериал гипертензияда асосий нишон-аъзоси ҳисобланади, бу прогностик аҳамиятга эга бўлган офтальмоскопик намоён бўлишларнинг ўзига ҳослиги билан боғлиқ. Бугунги кунда АГда ретинопатиянинг кўплаб клиник таснифлари маълум бўлиб, улар офтальмоскопик манзарага асосланган, аммо қон босимининг кўтарилиш даражаси боғлиқ равишда кўз туби ўзгаришларини ажратишга имкон бермайди ҳамда тўр пардасининг функционал ҳолатини ҳисобга олмайди. Шу муносабат билан, гипертоник ретинопатиянинг эрта ташхислаш усуллари излаш, АГнинг офтальмоскопик намоён бўлишидан олдин юзага келадиган функционал симптомларни ўрганиш долзарб бўлиб қолмоқда.

Жаҳонда ҳозирги кунда АГда кўз тубини ўзгаришлари муаммосига бағишланган кўплаб илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. АГда нишон-аъзо сифатида кўриш аъзосини чиқариб ташлаш масаласини қайта кўриб чиқишга имкон берадиган клиник-функционал симптомлар комплексининг аниқлаш, терапевтик клиникада даволанишни назорат қилиш ва патологик жараённинг кечишини башоратлаш учун асос бўлиши мумкин. Клиник амалиётда ушбу усуллардан фойдаланиш брахиоцефал артериялардаги эрта ўзгаришларни аниқлашга, шунингдек, майда кўз томирларида қон оқимининг ҳолатини ўрганишга имкон беради. Юрак-қон томир касалликлари туфайли кўз патологиясининг юқори частототаси АГнинг эрта босқичларида кўз томирларида қон айланишининг бузилишини баҳолаш мезонларини излаш ва ишлаб чиқишни асослайди. Ҳозирги вақтда ретинал микроциркуляция ўзгаришлари ва маҳаллий гемодинамиканинг бузилишини ривожланишида эндотелиал дисфункция омилларини (хусусан, иммунологик омиллар ва вазофаол молекулалар) ўрганиш давом этмоқда.

Мамлакатимизда тиббий соҳанинг ривожланиши, жаҳон андозалари талабларига мослаштириш, кўз касалликларини эрта ташхислаш ҳисобига офтальмологик асоратларни камайтириш қўйидаги вазифаларни бажариш билан боғлиқ «...тиббий ёрдамнинг самарадорлиги, сифати ва оммабоплигини ошириш, шунингдек, тиббий стандартлаштириш тизимини шакллантириш, ташхис қўйиш ва даволашнинг юқори технологик усуллари жорий этиш...»².

¹ Boulestreau R., van den Born B.H., Lip G.Y.H., Gupta A. Malignant Hypertension: Current Perspectives and Challenges. //J Am Heart Assoc. - 2022. - 7.

²Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5590-сон Фармони

Ушбу вазифаларни бажарилиши гипертоник касаллик, хусусан гипертоник ретинопатия асоратлари натижасида ногиронлик ва ўлим частотасини мазкур патологияларда замонавий юқори информатив технологияларни қўллаш, кўриш аъзоси ўзгаришларини ташхислашни такомиллаштириш ва даволашнинг самарали схемаларини жорий этиш орқали камайтириш имконини беради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ–60-сон «2022 – 2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида», 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 16 мартдаги ПҚ-4985-сон «Шошилич тиббий ёрдамни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори, 2020-йил 7 апрелда Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилинган «Инновацион фаолият тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Қонуни ва 2020 йил 19 июнда Сенат томонидан маъқулланган, ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва техника тараққиётининг устувор йўналишларига мувофиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологияларини ривожлантиришнинг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи³. АГда кўриш аъзосининг қон-томирли ишемик касалликларини ўрганишга қаратилган илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан: Окленд Университетининг миллий кўз маркази (Янги Зеландия), Сан Рафаэл илмий институтининг кўз касалликлари бўлими (Италия), Морфилд кўз касалхонаси (Буюк Британия), Къети-Пескарадаги Ж. Д'Аннунцио университетининг кўз касалликлари бўлими (Италия), Лос-Анджелесдаги Калифорния Университети Дэвида Геффен тиббий мактаби, Доэни кўз касалликлари касалхонаси (АҚШ), Тафтс университетининг тиббий факультети, Янги Англияда кўз касалликлари маркази (АҚШ), Уиллс кўз клиникаси тўр пардаси патологияси бўлими (Пенсильвания), Сингапур кўз касалликлари Миллий маркази (Сингапур), Санто Томас клиникаси кўз патологияси бўлими (Филиппин), Гельмгольц номидаги кўз касалликлари Москва илмий-текшириш институти (Россия), Акад. С.Н. Федоров номидаги МНТК “Кўз микрохирургияси” (Россия), ФГАНУ “Кўз касалликлари илмий-текшириш институти” (Россия), С.Д.Асфендияров номидаги Козоғистон миллий тиббиёт университети (Қазақстан), Тиббий ходимларни касбий малакасини ошириш маркази, Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббий маркази (Ўзбекистон) томонидан олиб борилмоқда.

³Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи: www.pku.edu.cn, www.qdu.edu.cn, www.cgu.edu.tw, www.usj.edu.lb, www.umed.wroc.pl, www.ku.dk, www.snu.ac.kr, www.yonsei.ac.kr, www.ngt.ndu.ac.jp, www.unife.it, www.univaq.it, www.unibs.it, www.udea.edu.co, www.otago.ac.nz, www.iau.ac.ir, www.manchester.ac.uk, www.sydney.edu.au, www.cu.edu.eg; www.ufjf.br; www.uva.nl; www.portal.estacio.br; www.uwa.edu.au; www.unesp.br; www.khu.ac.kr. www.tmu.edu.tw; www.tsdi.uz ва бошқа манбалар асосида амалга оширилди.

АГ сабабли юзага келган ўзгаришларни ташхислаш ва даволаш бўйича олиб борилган илмий тадқиқотлар асосида қатор, жумладан қуйидаги ижобий натижалар олинган: тўр пардаси томирлари ва кўриш нерви окклюзияси касалликларини чуқур ўрганиш, бунда 90% ҳолларда уйқу артериясида ўзгаришлар кузатилади (Сингапур кўз касалликлари Миллий маркази (Сингапур)); тажрибада тўр пардасининг ганглиоз хужайралари қаватида шишнинг ривожланиши, қуёнлар тўр пардаси ички ядро қаватининг қўшни бўлган ретинал қаватларнинг ишемияси ва гемодинамикасини магистрализацияси билан юпқалашиши (Доэни кўз касалликлари касалхонаси (АҚШ)); кўз аъзосининг қон-томирли касалликларида ангио-ОКТни қўллаш бўйича рандомланган текширувлар ўтказилган ҳамда кўз ангиопатологиясини турли ҳил намоён бўлишида юқори информативлиги исботланган (Морфилд кўз касалхонаси (Буюк Британия)).

Жаҳонда кўзнинг қон томир патологиясини диагностик хусусиятлари ва даволаш усулларини ўрганиш бўйича кенг қўламли тадқиқотлар олиб борилмоқда, шу жумладан қуйидаги устувор йўналишларда: артериал гипертензияда кўз олмаси тўқималарининг морфо-функционал хусусиятларини ўрганиш; кўриш аъзоси қон томир касалликларининг ривожланишини генетик хусусиятлари, кўзнинг қон томир касалликларида беморлар реабилитацияси самарали усулларини ишлаб чиқиш орқали беморларнинг ҳаёт сифатини ошириш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Жаҳон илмий адабиётидаги қўп сонли ишлар инволюцион склерозда кўриш йўлидаги функционал ва тузилмавий ўзгаришларни ўрганиш, ёшга боғлиқ макуляр дегенерациянинг генетик хавф омилларини, қон томир ретинопатиясининг биомаркерлари, тўр пардасининг ганглиоз хужайраларини шикастланишларга реакцияси хусусиятлари, қон томир касалликларида тўр пардаси ҳолатини баҳолашга бағишланган (Connor Heather Rosalind Mary, 2013; Adams, Madeleine, 2012; Mcauley Annie, 2014; Fahy Eamonn Thomas, 2016; Jeganathan V. Swetha, 2009). Кўз гемодинамикасининг бузилишларини ривожланиши бош миёна ва юракнинг қон айланишини ўткир бузилишларининг предиктори ҳисобланади (Cheng, C. Y. L. & Wong et al., 2013; Campbell U.B. et al., 2015; Cestari D.M. et al., 2016). Назорат қилинадиган ва рандомизацияланган клиник тадқиқотлар плацебосида ангиография режимида оптик когерент томография усулида ретинал қон томирлар гемодинамикасининг ўткир бузилишларида, ёшга боғлиқ макуляр дегенерация ва артериал гипертензияда кўриш нерви ва тўр пардаси капилляр томирларининг зичлигини бузилиши текширилган (Coscas F, et al., 2016; Ghasemi Falavarjani K. 2016). Лекин, касалликнинг дастлабки босқичларида, нишон-аъзолар ҳали зарарланмаганида тўр пардаси томирларининг зичлигини бузилишини қайд этиш орқали кўриш нерви ва тўр пардаси томирларининг шикастланишларини эрта аниқлаш масаласи очиқ қолмоқда.

Муаллифларнинг ишларида субклиник АС ва артериал гипертензияда кўз микросиркуляциясининг ҳолати ўрганилган (Аджемян Н.А., 2017), тизимли АСда тўр пардаси ва кўриш нерви ҳолати клиник-экспериментал равишда аниқланган (Плюхова А.А., 2013), тўр пардаси веналарининг окклюзион зарарланишларида иммунометаболик ўзгаришлар ўрганилган (Михайлова М.А., 2015), уйқу артериясининг атеросклеротик шикастланишларида кўз томирларидаги қон

айланишининг бузилишини ташхислаш ва даволаш усули таклиф этилган (Сашнина А.В. 2005).

Ўзбекистонда кўриш аъзосининг қон томир касалликлари бўйича Махкамова Д.К., Худайбергенова З.А., Ахмедова Э.П., Мавлянова У.Ф., Аширматова Х.С. ва бошқаларнинг илмий ишларини таъкидлаш жоиз. Илгари, кўриш аъзоси ҳолатининг муаммолари брахиёцефал, коронар томирларнинг гипертензиясида, шунингдек ретинар веналар гемодинамикасининг бузилишларида ўрганилган.

Эришилган ютуқларга қарамай, мамлакатда АГда кўз гемодинамикаси бузилишларини эрта ташхислаш ва патогенетик йўналтирилган даволаш бўйича бир қатор долзарб масалалар мавжуд. Кўпгина ҳолларда аъзосизмнинг ёндош касалликларини, шунингдек уларни динамикада назорат қилишни ҳисобга олган ҳолда терапевтик тадбирларни тўғри ва мувофиқлаштирилган ҳолда тайинлашда сезиларли қийинчиликлар мавжуд. Жараёнда кўздаги ишемик жараённи эрта ва дифференциал ташхислаш, даволаш ва мониторинг қилиш усуллари ишлаб чиқиш вазифаси юзага келади.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Самарқанд давлат тиббиёт университетининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ 02090009-сон «Хусусий ва умумий жарроҳлик ҳамда ва шошилиш тиббий ёрдамнинг янги технологиялари» (2019–2023 йй.) мавзусидаги лойиҳалар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади артериал гипертензияда тўр пардасининг морфофункционал параметрлари ҳамда қон ва кўз ёши суюқлигининг иммунобиокимёвий маркерларини инобатга олган ҳолда тўр пардаси ўзгаришларини эрта аниқлаш, бошқариш ва даволашга дифференциал ёндашувни ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

гипертоник ангиоретинопатияси бўлган беморларда ГК хусусиятларини таҳлили асосида кўз тубини ўзгаришларини ГКнинг умумий клиник кечиши ва оғирлик даражаси билан боғлиқлигини ўрганиш;

ОКТ маълумотлари асосида гипертоник ангиоретинопатияси бўлган беморларда тўр пардаси ва хороидеясини морфометрик кўрсаткичларининг ўзига хос ўзгаришларини баҳолаш;

ОКТ маълумотлари асосида гипертоник ангиоретинопатияси бўлган беморларда тўр пардаси ва хороидеяси ангиоархитектоникасидаги ўзига хос ўзгаришларини баҳолаш;

ОКТ ва ОКТА кўрсаткичлари асосида гипертоник ангиоретинопатиянинг турли босқичларида беморларда тўр пардаси ва хороидеяси перфузияси параметрларининг бузилиши мезонларини тизимлаштириш;

гипертоник ангиоретинопатияси бўлган беморларда қон зардоби ва кўз ёши суюқликдаги иммунобиокимёвий маркерлар, эндотелин-1 ва Д-димерларнинг параметрларини ўрганиш;

ГКни даволашда турли гуруҳларга мансуб гипотензив воситаларни узоқ муддат давомида қабул қилишни гипертоник ангиоретинопатиянинг ривожланиши ва кечишига таъсирини баҳолаш;

гипертоник ангиоретинопатиянинг турли босқичлари бўлган беморларни даволаш алгоритмини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида 2018-2023 йилларда Самарқанд.ш клиник шифохонасининг терапия бўлимида, Самарқанда давлат тиббиёт университети клиникасининг терапия бўлимида ва Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт маркази Самарқанд филиали артериал гипертензия бўлимида ГК ташҳиси билан даволанган, 1-4 босқичдаги гипертоник ангиоретинопатия белгилари бўлган 250 та бемор (500та кўз), гипертоник ангиоретинопатия белгиларисиз ГК бўлган 54та бемор (108та кўз), шунингдек АГ ва ГК бўлмаган 40 нафар бемор (80 та кўз) олинган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида хориоидея, тўр парда, тўр парда қон томирлари, кўрув нерви, кўз ёши суюқлиги ва плазмани иммунобиокимёвий кўрсаткичлари олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот вазифаларини бажариш мақсадида клиник, офтальмологик, тўр пардаси ва унинг томирларини визуализациясининг махсус усуллари (ОКТ ва ОКТА), лаборатор ва статистик текшириш усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги куйидагилардан иборат:

кўриш аъзоси қон томирларининг гипертоник шикастланишида, ҳатто касалликнинг дастлабки босқичларида ҳам ОКТА мезонларига мувофиқ ретинал ишемиянинг ривожланиши аниқланган;

ГК бўлган беморларда гипертоник ангиоретинопатияни эрта ташхислашда хориоидея қалинлигининг ошиши, қон томирлари ва тўр пардаси зичлигини шунингдек хориокапилляр қон оқими соҳаси перфузиясининг пасайишини ўз ичига олган ОКТ-ангиографик мезонлар таклиф этилган;

гипертоник ангиоретинопатияни эрта ташхислаш учун қўлланилиши мумкин бўлган хориоидея қалинлиги кўрсаткичига асосланган гипертоник хориоидопатия таснифи таклиф этилган;

ГК бўлган беморларда кўриш аъзоси томонидан асоратларни эрта ташхислаш, кузатиш ва башоратлаш учун асос бўлиши мумкин бўлган хориоретинал ишемия даражасига мос равишда гипертоник ангиоретинопатиянинг функционал таснифномаси таклиф этилган;

ГК бўлган беморларда гипертоник ангиоретинопатиянинг ривожланиши ва жадаллашувида қон ва кўз ёши суюқлигида эндотелин-1 нинг ошишини роли ва патологик жараённинг кечишини оғирлик даражаси белгиси сифатида кўз ёши суюқлигида унинг даражасини аниқлашнинг аҳамияти исботланган;

Тадқиқотнинг амалий натижалари куйидагилардан иборат:

офтальмологлар ва терапевтлар амалиётида ишлаб чиқилган таснифлардан фойдаланиш нишон-аъзо сифатида кўзнинг шикастланиши нуктаи назаридан ГК кечишининг оғирлик даражасини баҳолаш имконини беради;

гипертоник ангиоретинопатияда унинг босқичига боғлиқ равишда патогенетик асосланган даволаш схемаларининг самарадорлиги ишлаб чиқилган ва исботланган;

гипертоник ретинопатияни эрта ташхислаш маркери сифатида кўз ёши суюқлигидаги эндотелин-1 даражасини аниқлаш самарадорлиги исботланган;

гипертоник ретинопатияда консерватив даволаш самарадорлигининг маркери сифатида кўз ёши суюқликдаги эндотелин-1 даражасини мониторингининг инфор­мацион қиймати исботланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқотда қўлланилган назарий ёндошув ва усуллар, олиб борилган текширувларнинг услубий жи­хатдан тўғрилиги, текширилган беморлар сонининг етарлиги, тадқиқотда қўлланилган замонавий ўзаро бир бирини тўлдирувчи клиник, офтальмологик, лаборатор ва статистик усуллар ёрдамида ишлов берилганлиги, халқаро ҳамда маҳаллий тажрибалар билан таққосланганлиги, хулоса, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томмонидан тасдиқланганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти, гипертоник ангиоретинопатияни кечишининг клиник-функционал хусусиятларини ва ташхислашни ўрганиш офтальмологиянинг замонавий ютуқларига катта ҳисса қўшиши, шунингдек мазкур касалликнинг жадаллашишида юзага келиши мумкин бўлган асоратларни даволаш усуллари ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ОКТАда хореоретинал ишемия учун ишлаб чиқилган мезонлар ГКда кўриш аъзосидаги ўзгаришларни эрта ташхислаш, таклиф қилинган патогенетик йўналтирилган даволаш схемалари эса гипертоник ангиоретинопатияда офтальмологик бузилишларни ўз вақтида коррекциялашда самарали натижаларга эришиш, хаёт сифатини яхшилаш ва аҳолининг ногиронлик даражасини камай­тириш имконини бериши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Самарқанд давлат тиббиет университетининг 2024 йил 13 майдаги 36-сон хулосасига кўра (илмий янгиликларни бошқа соғлиқни сақлаш муассасаларига жорий этиш бўйича Самарқанд Давлат тиббиет университети қошидаги эксперт кенгаши 19.12.2023 йилда 140 –сон билан тасдиқланган):

Биринчи илмий янгилик. Илмий янгиликнинг моҳияти: ретинал ишемиянинг ОКТА (оптик когерент томография ангиография функцияси билан) мезонларига мувофиқ ривожланиши кўриш органининг гипертензив қон томир шикастланишида, ҳатто касалликнинг дастлабки босқичларида ҳам аниқланди. Илмий янгиликнинг аҳамияти: артериал гипертензия билан оғриган беморларда тўр парданинг томир тизими хавф омиллари, клиник хусусиятлари аниқланган ва эрта ташхислаш мезонлари ишлаб чиқилган. Илмий янгиликни жорий этиш: РИКМИАТМ Жиззах Филиали (Республика иқтисислаштирилган куз микрохирургия илмий Амалий тиббиет маркази) (22-сон буйруқ, 20.04.2024), РИКМИАТМ Самарқанд Филиали (Республика иқтисислаштирилган куз микрохирургия илмий Амалий тиббиетмаркази) (58- U сон буйруқ, 22.04.2024), Навоий вилоят офтальмология шифохонаси (19 сон буйруқ, 23.04.2024), клиник амалиётига жорий этилган. Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: ноинвазив диагностика усуллари­дан (ОКТ) янада оқилона фойдаланиш беморлар учун сезиларли ноқулайлик туғдирадиган инвазив усулларни тайинлаш заруратини камай­тиради. Илмий янгиликнинг иқтисодий

самарадорлиги куйидагилардан иборат: ретинал ишемияни эрта аниқлаш ва самарали даволаш кўриш функциясини сақлаб қолиш ва беморларда меҳнат фаоллигини йўқотишнинг олдини олишга ёрдам беради, бу эса жамиятнинг иқтисодий ривожланишига ҳисса қўшади. *Хулоса:* гипертензив кўз томирлари касаллигининг дастлабки босқичларида ОКТ ёрдамида ретинал ишемияни ташхислаш усуллари ишлаб чиқиш соғлиқни сақлаш ва бутун жамият учун кенг қўламли ижобий оқибатларга олиб келадиган ушбу патологик ҳолатни ташхислаш ва даволаш сифатини оширишда муҳим қадамдир.

Иккинчи илмий янгилик. Илмий янгиликнинг моҳияти: гипертензия билан оғриган беморларда гипертензив ангиоретинопатияни эрта ташхислаш учун тавсия этилган ОКТ ангиографик мезонлари, шу жумладан хороид қалинлигининг ошиши, томир зичлиги ва ретинал перфузиянинг пасайиши, шунингдек, хориокапиллар қон оқимининг жойлари. Илмий янгиликнинг аҳамияти: Ушбу мезонларни клиник амалиётга жорий этиш гипертензив ангиоретинопатияни эрта ташхислаш ва мониторингини сезиларли даражада яхшилаши мумкин, бу ўз вақтида даволаш ва касалликнинг ривожланишининг олдини олишга имкон беради. Бу, шунингдек, даволаниш натижаларини ва беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилашга ёрдам беради, шунингдек, кўз томирларининг гипертоник шикастланиши натижасида келиб чиққан асоратлар туфайли тиббий ёрдам харажатларини камайтиради. Илмий янгиликни жорий этиш: РИКМИАТМ Жиззах Филиали (Республика иқтисислаштирилган куз микрохирургия илмий Амалий тиббиёт маркази) (22-сон буйруқ, 20.04.2024), РИКМИАТМ Самарқанд Филиали (Республика иқтисислаштирилган кўз микрохирургия илмий Амалий тиббиёт маркази) (58-У сон буйруқ, 22.04.2024), Навоий вилоят офталмология шифохонаси (19 сон буйруқ, 23.04.2024), клиник амалиётга жорий этилган клиник амалиётга жорий этилган. Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги: гипертензия билан оғриган беморларда гипертензив ангиоретинопатияни эрта ташхислаш учун ОКТ ангиографик мезонлари таклифи нафақат даволаш натижалари ва ҳаёт сифатини яхшилайдди, балки ушбу касаллик билан боғлиқ ижтимоий ва иқтисодий харажатларни камайтиришга ёрдам беради. Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги Ушбу илмий янгиликнинг тежамкорлиги асоратларни даволаш харажатларини камайтириш, беморларда иш йўқотилишининг олдини олиш ва тиббий тадқиқотларга келгусида сармоя киритишни рағбатлантиришда намоён бўлмоқда. *Хулоса:* гипертензив кўз томирлари касаллигининг дастлабки босқичларида ОКТ ёрдамида ретинал ишемияни ташхислаш усуллари ишлаб чиқиш соғлиқни сақлаш ва бутун жамият учун кенг қўламли ижобий оқибатларга олиб келадиган ушбу патологик ҳолатни ташхислаш ва даволаш сифатини оширишда муҳим қадамдир.

Учинчи илмий янгилик. Илмий янгиликнинг моҳияти: гипертоник ангиоретинопатияни эрта ташхислаш учун ишлатилиши мумкин бўлган хороид қалинлигига асосланган гипертоник хороидопатия таснифини тақдим этади. Илмий янгиликнинг аҳамияти: бу тасниф хороиднинг қалинлиги тўғрисидаги маълумотларни тизимлаштириш ва ташкил этиш бўлиб, бу гипертензив хороидопатиянинг турли шакллари ва босқичларини ажратиш имконини беради. Ушбу ёндашув гипертензив ангиоретинопатияни эрта аниқлаш ва ташхислашни

осонлаштиради, бу касалликни самарали бошқариш ва унинг асоратларининг олдини олиш учун зарурдир. Илмий янгиликни жорий этиш РИКМИАТМ Жиззах Филиали (Республика иктисислаштирилган куз микрохирургия илмий Амалий тиббиёт маркази) (22-сон буйруқ, 20.04.2024), РИКМИАТМ Самарқанд Филиали (Республика иктисислаштирилган куз микрохирургия илмий Амалий тиббиёт маркази) (58-У сон буйруқ, 22.04.2024), Навоий вилоят офталмология шифохонаси (19 сон буйруқ, 23.04.2024), клиник амалиётига жорий этилган. Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: Ушбу тасниф анъанавий диагностика усуллари ёрдамида патологик ўзгаришлар ҳали аниқ бўлмаслиги мумкин бўлган эрта босқичларда гипертензив ангиоретинопатияни аниқлаш имконини беради. Эрта аниқлаш даволашни эрта босқичда бошлаш имконини беради, бу касалликнинг ривожланиши ва асоратлари хавфини камайтиради. Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: ушбу таснифдан фойдаланган ҳолда гипертензив ангиоретинопатияни эрта аниқлаш ва даволаш асоратларни даволаш ва реабилитация харажатларини камайтириши, шунингдек, қиммат тиббий муолажалар ва хизматларга бўлган эҳтиёжни камайтириши мумкин. *Хулоса:* кўришнинг йўқолиши ва касалликнинг ривожланишининг олдини олиш беморларнинг ҳаёт сифатига фойдали таъсир кўрсатади, уларга мустақилликни сақлаш, фаол турмуш тарзини сақлаш ва жамиятнинг самарали аъзолари бўлиб қолиш имконини беради.

Тўртинчи илмий янгилик. Илмий янгиликнинг моҳияти: гипертензив ангиоретинопатиянинг функционал таснифи хориоретинал ишемия даражасига кўра тақдим этилади, бу гипертензия билан оғриган беморларда кўриш органининг асоратларини эрта ташхислаш, кузатиш ва башорат қилиш учун асос бўлиши мумкин. Илмий янгиликнинг аҳамияти: таснифлаш хориоретинал ишемиянинг турли даражаларини аниқлаш имконини беради, бу касалликнинг дастлабки босқичларида гипертензив ангиоретинопатияни эрта ташхислаш имкониятини беради. Бундай эрта ташхис шифокорларга беморларнинг аҳволини самарали кузатиш ва касалликнинг ривожланишининг олдини олиш чораларини кўриш имконини беради. Илмий янгиликни жорий этиш: РИКМИАТМ Жиззах Филиали (Республика иктисислаштирилган кўз микрохирургия илмий-амалий тиббиёт маркази) (22-сон буйруқ, 20.04.2024), РИКМИАТМ Самарқанд филиали (Республика иктисислаштирилган куз микрохирургия илмий Амалий тиббиёт маркази) (58- У сон буйруқ, 22.04.2024), Навоий вилоят офталмология шифохонаси (19 сон буйруқ, 23.04.2024), клиник амалиётига жорий этилган. Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: функционал тасниф ишемиянинг оғирлигини аниқлаш ва гипертензия билан оғриган беморларда кўриш органидан асоратларни ривожланиш хавфини баҳолаш имконини беради. Бу асоратларни олдини олиш ва визуал функцияни сақлаб қолиш учун индивидуал даволаш ва мониторинг режаларини ишлаб чиқишга ёрдам беради. Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: ушбу таснифдан фойдаланиб, клинисенлер ҳар бир бемор учун даволаш ва мониторинг стратегияларини аниқроқ аниқлашлари мумкин, бу эса охир-оқибатда даволаниш натижаларини яхшилашга ва асоратлар хавфини

камайтиришга ёрдам беради. *Хулоса:* гипертензив ангиоретинопатияни эрта аниқлаш ва самарали даволаш асоратларни даволаш ва реабилитация харажатларини камайтириши мумкин, бу эса охир-оқибат соғлиқни сақлашга иқтисодий юкни камайтиришга олиб келади.

Бешинчи илмий янгилик. Илмий янгиликнинг моҳияти: гипертония билан оғриган беморларда гипертензив ангиоретинопатиянинг ривожланиши ва ривожланишида қон ва кўз ёши суюқлигидаги ортиб бораётган эндотелин-1 нинг роли ва патологик жараённинг зўравонлик белгиси сифатида унинг кўз ёши суюқлигидаги даражасини аниқлашнинг аҳамияти исботланган. Илмий янгиликнинг аҳамияти: кўз ёши суюқлигидаги ЭТ-1 даражасини аниқлаш гипертензив ангиоретинопатияни ташхислаш, мониторинг қилиш ва оғирлигини баҳолаш учун восита сифатида амалий аҳамиятга эга, шунингдек, янада самарали даволаш стратегияларини ишлаб чиқишга ва ушбу касалликнинг асоратларини олдини олишга ёрдам беради. Илмий янгиликни жорий этиш: РИКМИАТМ Жиззах Филиали (Республика иқтисислаштирилган куз микрохирургия илмий Амалий тиббиёт маркази) (22-сон буйруқ, 20.04.2024), РИКМИАТМ Самарқанд Филиали (Республика иқтисислаштирилган кўз микрохирургия илмий амалий тиббиёт маркази) (58- U сон буйруқ, 22.04.2024), Навоий вилоят офталмология шифохонаси (19 сон буйруқ, 23.04.2024) клиник амалиётига жорий этилган. Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: гипертензив ангиоретинопатия ривожланишидаги ЭТ-1 ролини тушуниш унинг даражасини блокировка қилиш ёки камайтиришга қаратилган янги терапевтик ёндашувларни ишлаб чиқишга ёрдам беради, бу эса гипертония билан оғриган беморларни даволаш натижаларини яхшилаши мумкин. Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: ЭТ-1 даражасини билиш шифокорларга ҳар бир бемор учун индивидуал даволаш режаларини ишлаб чиқиш имконини беради. Бу ЭТ-1 даражаси юқори бўлган беморлар учун янада тажовузкор даволанишни ўз ичига олиши мумкин, бу эса касалликларни яхшироқ назорат қилиш ва асоратларни олдини олишга олиб келиши мумкин. *Хулоса:* гипертензив ангиоретинопатия ривожланишидаги ЭТ-1 ролини тушуниш унинг даражасини блокировка қилиш ёки камайтиришга қаратилган янги терапевтик ёндашувларни ишлаб чиқишга ёрдам беради, бу эса гипертония билан оғриган беморларни даволаш натижаларини яхшилаши мумкин.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 5 та илмий-амалий анжуманда, жумладан, 3 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 170 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 14 та мақола, жумладан, 10 таси республика ва 4 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 180 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, унинг мақсад ва вазифалари аниқ баён этилган, объекти ва предмети тавсифланган, диссертация ишини Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари батафсил баён этилган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти етарлича очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этилиши, нашр этилган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича тўлиқ маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Артериал гипертензиядаги кўз тубини ўзгаришларини ташхислаш ва даволашнинг замонавий жиҳатлари (адабиётлар шарҳи)”** деб номланган биринчи бобда хорижий адабиётлар асосида муаммонинг ҳозирги ҳолати таҳлил қилинган. Боб 4 бўлимдан иборат бўлиб, унда гипертензиядаги кўз тубини ўзгариши муаммосининг долзарблиги асосланган, унинг патогенетик жиҳатлари, гипертензияда кўз тубини диагностикасидаги ўзгариш ҳақида замонавий тушунчалар тақдим этилган ва гипертензиядаги кўз тубини ўзгаришини даволашнинг замонавий ёндашувлари таҳлил қилинган. Адабиётлар шарҳи асосан сўнгги 10 йил ичида олиб борилган тадқиқот маълумотлари асосида ўтказилган.

Диссертациясининг **“Тадқиқот материаллари ва усуллари”** деб номланган иккинчи бобда клиник материалнинг хусусиятлари ва асосий тадқиқот усуллари тавсифи келтирилган. Тадқиқот 2018-2023 йиллар мобайнида Самарқанд шаҳар клиник шифохонасининг терапия бўлими, Самарқанд Давлат тиббиёт университети (СамДТУ) клиникасининг терапия бўлими ва Республика ихтисослаштирилган Кардиология илмий-амалий тиббиёт маркази (РИКИАТМ) Самарқанд филиалининг артериал гипертензия бўлимида ўтказилган.

Танлов мезонлари асосида 1-4 даражали гипертензив ангиоретинопатия белгилари бўлган 250та бемордан (500та кўз) ташкил этган, ўрганилаётган беморларнинг асосий гуруҳи шакллантирилди. Ушбу танлов асосида кейинчалик 2 гуруҳ ҳам ташкил қилинди:

1-асосий гуруҳ - 1 ва 2 даражали гипертензив ангиоретинопатияли 180 та бемордан (360та кўз);

2- асосий гуруҳ - 3 ва 4 даражали гипертензив ангиоретинопатияли 70-та бемордан (14та кўз) иборат эди.

Шунингдек тадқиқот учун иккита назорат гуруҳи шакллантирилди:

1-назорат гуруҳи, унга 1-даражадаги ГК бўлган, Кейт-Вагенер-Баркер таснифи бўйича кўз тубида ўзгариш бўлмаган 54та бемор (108та кўз) (ЖССТ ва Европа Кардиологлар жамияти (ЕКЖ) тавсияларига мувофиқ) киритилди.

2-назорат гуруҳи, ГК белгилари (ЖССТ ва Европа Кардиологлар жамияти (ЕКЖ) тавсияларига мувофиқ) ва кўз тубида ўзгаришлар кузатилмаган 40та бемордан (80та кўз) ташкил топди.

Тадқиқот кўндаланг ва бўйлама босқичларини ўз ичига олди. Кўндаланг тадқиқот босқичида ГК оғирлик даражасининг умумий клиник белгилари, ГАРни офталмоскопик намоён бўлиши частотаси, кўриш аъзосининг функционал кўрсаткичлари, ОКТга асосланган морфометрик кўрсаткичлар, ОКТАга асосланган тўр пардасидаги микроциркуляция ҳолати қиёсий таҳлил қилинди. Шунингдек, ушбу босқич гипертензив ангиоретинопатияни кечишининг биомаркерлари сифатида беморларнинг қони ва кўз ёши суюқлигидаги ЭТ-1 ва Д-димерларнинг кўрсаткичларини қиёсий таҳлилини ўз ичига олган. Кўндаланг босқичдаги тадқиқотнинг учинчи бўғини ГАР оғирлик даражасининг корреляцияси билан ГК оғирлик даражасини клиник белгилари, ОКТ кўрсаткичлари, ОКТА кўрсаткичлари, қон ва кўз ёши суюқликдаги эндотелин-1 ва Д-димер даражаларини баҳолаш бўлди.

Шунингдек, бўйлама тадқиқот босқичи умумий гипотензив терапиянинг таҳлилини ва гипотензив воситалар гуруҳига қараб 3 гуруҳга рандомизацияни ўз ичига олган. Кейинчалик, ушбу гуруҳларда ГАР босқичлашнинг қиёсий таҳлили, кўриш аъзосининг функционал кўрсаткичлари, ОКТ асосида морфометрик кўрсаткичлар, ОКТА асосида тўр пардадаги микроциркуляция ҳолати, қондаги эндотелин-1 ва Д-димерлар даражасини баҳолаш, шунингдек кўз ёш суюқликдаги эндотелин-1 ва Д-димерлар даражасини баҳолаш амалга оширилган. Бўйлама тадқиқот босқичида 1-ва 2-асосий гуруҳдаги, шунингдек 1- назорат гуруҳидаги беморларида патологик жараённинг 2 йиллик динамикаси таҳлил қилинди. Уларнинг ҳар бири ГАРни ўзига хос таклиф этилган даволаш схемасининг самарадорлигини баҳолаш учун 2 та кичик гуруҳга (асосий ва назорат) ажратилди.

Диссертациянинг **“Хусусий тадқиқот натижалари, тадқиқот гуруҳлари беморларида кўрув аъзосининг клиник-функционал ва морфометрик гемодинамик кўрсаткичлари”** деб номланган учинчи бобда тадқиқот гуруҳлари беморларида гипертоник касалликнинг умумий клиник кўрсаткичлари, кўриш аъзосининг клиник-функционал кўрсаткичлари, ОКТ ва ОКТА кўрсаткичларини баҳолаш натижалари, ОКТ сифатий кўрсаткичларини баҳолаш натижалари, ОКТни миқдорий кўрсаткичларини баҳолаш натижалари, ОКТА кўрсаткичларини баҳолаш натижалари, гипертоник ангиоретинопатия ва хороидопатиянинг патогенетик асосланиши, шунингдек ОКТ ва ОКТА натижалари бўйича ГАРнинг квалификацион меъзонларини ишлаб чиқиш натижалари келтирилган.

Тадқиқот гуруҳлари беморларида АГнинг турли даражаларининг тарқалувчанлигини таҳлили шуни кўрсатдики, 3-даражали АГ бўлган беморларнинг энг юқори улуши гипертоник ангиоретинопатиянинг 3-4 босқичи бўлган 2-асосий гуруҳда қайд этилган, шу билан бирга, 1-асосий гуруҳда АГ 3 даражаси бўлган беморлар улуши икки баровар кам эди. Иккала асосий гуруҳда беморларнинг аксариятида 2 даражали АГ бўлган (1-жадв).

1-жадвал

АГ даражаси бўйича тадқиқот гуруҳларида беморларнинг тақсимланиши

АГ даражаси	1-асосий гуруҳ (n=180)		2-асосий гуруҳ (n=70)		1-назорат гуруҳи (n=54)	
	n	%	n	%	n	%
1 даража.	64	35,6%	4	5,7%	32	59,2%
2 даража	90	50%	34	48,5%	22	40,7%
3 даража	26	14,4%	32	45,7%	-	-

Изоҳ: Стратификация учун асос сифатида касалхонага мурожаат қилишда медикаментоз коррекция бошланишидан олдин беморлар анмнезида қайд этилган қон босимининг максимал қўрсаткичлари инобатга олинган.

Тадқиқот давомида тадқиқот гуруҳлари беморларида рефракция аномалиялари ва катарактнинг дастлабки кўринишлари билан боғлиқ кўриш ўткирлигини камайтирувчи омилларни нивелирлаш учун максимал коррекцияланган кўриш ўткирлиги кўрсаткичини (МККЎ) баҳолаш ўтказилган. Шу билан бирга, стандарт услублар ёрдамида ҳам узоқ, ҳамда яқин учун МККЎни баҳолаш амалга оширилган (2-жадв.).

2-жадвал

Тадқиқот гуруҳлари беморларида МККЎ кўрсаткичлари (n-кўзлар сони)

Кўрсаткичлар	Асосий гуруҳ 1 (n=360)	Асосий гуруҳ2 (n=140)	Назорат гуруҳи 1 (n=108)
	M±m	M±m	M±m
МКОЗ, узоқда	0,76±0,12	0,54±0,23	0,85±0,11
МКОЗ, яқинда	0,79±0,09	0,71±0,14	0,88±0,09

Изоҳ: * - $p < 0,05$ да 1-назорат гуруҳи кўрсаткичларига нисбатан ишончли даражада;
^ - $p < 0,05$ асосий гуруҳи кўрсаткичларига нисбатан ишончли даражада.

Тадқиқот гуруҳларида узоқда ва яқиндаги МККЎ ўртача кўрсаткичларини баҳолаш гипертоник ангиоретинопатия босқичларига мос равишдаги қонуниятли қийматларни кўрсатди. Шу билан бирга, тадқиқот гуруҳларининг ўртача кўрсаткичлар ўртасида статистик жиҳатдан сезиларли фарқлар аниқланмаган, бу 2-асосий гуруҳ беморларида кўриш ўткирлиги кўрсаткичлари тўр пардасидаги патологик жараённинг локализацияси ва КНД турғун жараённинг мавжудлигига боғлиқ равишда кенг чегараларда ўзгарганлиги билан боғлиқ.

ГАР бўлган беморларида офталмоскопияни ўтказишда аниқланган кўз тубидаги ўзгаришларини баҳолаш учун Кейт-Вагенер-Баркер таснифи қўлланилган (3-жадв.).

ОКТ сифатий кўрсаткичларини таҳлил қилганда, аксарият ҳолларда офталмоскопия ўтказилганида аниқланганларга мос келадиган ўчоқли ўзгаришлар аниқланган. ОКТ маълумотлари бўйича кўз тўр пардасининг ташқи қаватларидаги гиперрефлексив ўчоқлар кўпинча офталмоскопия маълумотлари бўйича қаттиқ экссудатларнинг чўкиш ўчоқларига, нерв толаларини калинлашган қаватининг соҳалари – “пахтасимон” ўчоқларнинг локализациясига мос келган. Улар 1-асосий гуруҳда 25,6% да, 2-асосий гуруҳда 54,8% да ва 1-назорат гуруҳида 10,2% да аниқланган. 1-ва 2-асосий гуруҳлар беморларида ОКТ ўтказишда DRILL типи бўйича кўз тўр пардасининг ички қаватининг дезорганизация соҳалари аниқланган. 1-асосий гуруҳда улар 7,8% да кўзларда, 2 – асосий гуруҳда эса 21,4% кўзларда қайд этилган (4-жадв.).

**Тадқиқот гуруҳлари беморларида асосий офталмоскопик
симптомларнинг тарқалувчанлиги (n-кўзлар сони)**

Нишон-аъзоларининг шикастланиш турлари	1-асосий гуруҳ (n=360)		2-асосий гуруҳ (n=140)		1-назорат гуруҳи (n=108)	
	n	%	n	%	n	%
Вена ва артериялар диаметри нисбатининг бузилиши	360	100%	140	100%	-	-
Артериовенозли кесишмалар (Салюс-Гунна с-ми 1-3 дар.)	350	97,2%	140	100%	-	-
Томирлар деворининг қалинлашиши	272	75,6%	136	97,1%	-	-
Ёруғлик рефлексининг кенгайиши	260	72,2%	120	85,7%	-	-
“Мисли” ёки “Кумушли сим” с-ми	204	56,7%	130	92,9%	-	-
Артериолаларнинг қисман ёки тўлиқ облитерация соҳалари	248	68,9%	115	82,1%	-	-
Геморрагиялар	-	-	134	95,7%	-	-
Каттик экссудатлар	-	-	128	91,4%	-	-
Пахтасимон ўчоқлар	-	-	118	84,3%	-	-
КНД шиши	-	-	65	46,4%	-	-

**Тадқиқот гуруҳлари беморларида сифатий ОКТ белгиларининг
тарқалувчанлиги (n -кўзлар сони)**

Нишон-аъзоларининг шикастланиш турлари	1-асосий гуруҳ (n=360)		2-асосий гуруҳ (n=140)		1-назорат гуруҳи (n=108)	
	n	%	n	%	n	%
Кўз тўр пардасининг ташқи қаватларидаги гиперрефлексив ўчоқлар	92	25,6%	75	54,8%	11	10,2%
Кўз тўр пардасининг ички қаватидаги атрофия соҳалари	42	11,7%	35	25%	6	5,6%
Нерв толаси қаватининг қалинлашиш соҳалари	18	5%	36	25,7%	3	2,8%
DRILL типи б-ча кўз тўр пардасининг ички қаватини дезорганизация соҳалари	28	7,8%	30	21,4%	3	2,8%
тўр пардасининг ташқи қаватини элевацияси билан тўр пардаси ВНЯСни ўчоқли юққалашиши	164	45,6%	120	85,7%	2	1,9%
Субретинал суюқлик (НЭ серозли ажралиш ўчоқлари)	-	-	14	10%	-	-
Кўз тўр пардасининг диффуз шиши	-	-	6	4,3%	-	-
Макуланинг шиши	-	-	26	18,6%	-	-
КНД шиши	-	-	73	52,1%	-	-

Микдорий кўрсаткичларни таҳлил қилишда гипертензия бўлмаган беморлар билан 2-назорат гуруҳини ҳисобга олган ҳолда қиёсий таҳлил ўтказилди (5-жадвал). Тадқиқот натижаларига кўра, хориоидея қалинлигининг ўртача кўрсаткичлари юқори бўлган ГАР 3-4 даражали кўзларнинг кўрсаткичлари билан таққосланганида 1-асосий гуруҳда ГАР 1-2 даражаси бўлган кўзларда паст кўрсаткичлар аниқланди. Шу билан бирга, ўрганилаётган гуруҳларда статистик жиҳатдан ишончли фарқлар иккита назорат гуруҳини таққослашда ҳам аниқланган ($p < 0,05$). Бу шуни кўрсатадики, ХМК кўрсаткичи нишон-аъзонинг зарарланиши симптомлари, жумладан ГАРнинг офталмоскопик симптомлари кузатилмаган ГКнинг дастлабки босқичи бўлган беморларнинг кўзларида ўзгарган (1-расм).


5-жадвал

Тадқиқот гуруҳларида микдорий ОКТ-белгиларининг қиёсий таҳлили натижалари (n-кўзлар сони)


Кўрсаткичлар	1-асосий гуруҳ (n=360)		2-асосий гуруҳ (n=140)		1-назорат гуруҳи (n=108)		2-назорат гуруҳи (n=80)	
	М	m	М	m	М	m	М	m
ТПМК, мкм	244,4	31,2	355,6	86,6	230,5	10,4	226,6	6,4
ХМК, мкм	265,5 [^]	26,2	301,2* [^]	30,4	246,3 [^]	12,2	225,5	8,2
pRNFL, мкм	94,3	9,3	89,6	13,3	97,3	8,2	98,1	7,8
GC-IPL, мкм	80,1	5,2	74,5*	5,5	84,5	3,4	85,2	3,4

ТПМК - тўр пардасининг марказий қалинлиги; ХМК –Хориодеянинг марказий қалинлиги; pRNFL – перипапилляр зонада кўз тўр пардасининг нерв толалари қаватини қалинлиги; GC-IPL –кўз тўр пардаси ганглиоз ҳужайралари+ ички плексиформ қавати комплексининг қалинлиги.


Изоҳ: * - $p < 0,05$ да 1-назорат гуруҳи кўрсаткичларига нисбатан ишончли даражада;
[^] - $p < 0,05$ асосий гуруҳи кўрсаткичларига нисбатан ишончли даражада.




ГАР 2-даражаси



ГАР 4-даражаси



ГАР белгилари бўлмаган 1-даражали ГК беморнинг кўзи



АГ и ГК бўлмаган беморнинг кўзи.

1-расм. ГАРнинг турли босқичлари бўлган беморларнинг, ГК бўлган ва АГ бўлмаган беморларнинг кўзларида хориоидни марказий қалинлиги мисоллари.

ОКТА кўрсаткичларини таҳлил қилишда қон томирлар зичлиги (VD) ва перфузия зичлиги (PD) миқдорий кўрсаткичларини баҳолаш ўтказилган (6-жадв.).

6-жадвал


Тадқиқот гуруҳларида қон томир зичлиги ва перфузияни қиёсий таҳлил қилиш натижалари (n-кўзлар сони)

Кўрсаткичлар	1-асосий гуруҳ (n=360)		2-асосий гуруҳ (n=140)		1-назорат гуруҳи (n=108)		2-назорат гуруҳи (n=80)	
	М	m	М	m	М	m	М	m
Марказий VD	9,8	2,6	8,9	2,8	10,1	2,4	11,2	0,9
Ички VD	21	1,4	20,4	1,7	21,6	1,4	22,7	0,8
Умумий VD	19,3 [^]	1,1	17,2* [^]	1,2	21 [^]	0,7	22,9	0,6
Марказий PD	16,1	4,6	15,2	5,2	17,5	1,6	18,8	1,2
Ички PD	37,7	2,4	36,2	2,8	39	1,2	41,2	0,9
Умумий PD	35,2 [^]	2,5	32,1* [^]	2,2	36,4 [^]	1,1	38,9	0,8

VD – vascular density (қон томир зичлиги); PD – perfusion density (перфузия зичлиги).

*Изоҳ: *- p<0,05 да 1- назорат гуруҳи кўрсаткичларига нисбатан ишончли даражада;
^ - p<0,05 асосий гуруҳи кўрсаткичларига нисбатан ишончли даражада*

Натижалар шуни кўрсатдики, юқоридаги кўрсаткичларнинг ўртача қийматлари назорат гуруҳларига нисбатан ГАРли асосий гуруҳларда юқори бўлган.



ГАР 2 даражаси
CFA=1,94

ГАР 4 даражаси
CFA=1,76

ГАР белгиларисиз 1-
даражали ГК бўлган бемор
CFA=1,98

2-расм. ГАРнинг турли босқичларида CFA кўрсаткичи ўзгаришларини клиник мисоллари. Пастки расмларда сариқ соҳа шаклида ушбу кўрсаткични ўлчаш режимлари кўрсатилган (сариқ думалоқ соҳа тузилмасининг бузилишида, дастур автоматик равишда қон оқимининг ҳолатини тавсифловчи рақамли кўрсаткични ҳисоблаб чиқади).

Олинган натижалар асосида ОКТ маълумотлари бўйича аниқланган, хориоидеянинг марказий қалинлиги (ХМҚ) кўрсаткичи асосида гипертоник хориоидопатиянинг (ГХП) махсус квалификацияцион мезонлари ишлаб чиқилган ва таклиф қилинган (7-жадв.).

7-жадвал

ХМҚ кўрсаткичи асосида гипертоник хориоидопатиянинг модификацияланган квалификацияцион мезоналари ва унинг босқичларини ГАР босқичларига мослиги

Кейт- Вагенер-Баркер таснифи	Хориоидея қалинлиги кўрсаткичлари асосидаги тасниф
1-босқичдаги ГК мавжудлигида таснифга кўра ГАРнинг офталмоскопик белгилари йўқ	1-даражали гипертоник хориоидопатия (ХМҚ 230-245 мкм)
1-босқич. Патологик жараён фақат кўзнинг ички қавати томирларига тарқалган, ўзгаришлар қайтадиган. Томирларнинг торайиши ҳисобига вена ва артериялар диаметрининг нисбатини бузилиши кузатилади. Ягона артериовеноз кесишмалар аниқланади, Салюс I симптоми ижобий.	2-даражали гипертоник хориоидопатия (ХМҚ 245-290 мкм)
2-босқич. Кўз тўр пардасининг органик шикастланишини дастлабки белгилари аниқланади. Ретинал томирларнинг деворлари қалинлашган, ёруғлик рефлекси кенгайган. Артериянинг томир деворининг қалинлашиши туфайли офталмоскопияда мисли ёки кумушли симга ўхшайди. Чекланган соҳаларда артериолаларнинг қисман ёки тўлиқ облитерация соҳалари кузатилади.	
3-босқич. Юқорида тасвирланган намоён бўлишларга нерв толаларининг шикастланиш симптомлари кўшилади. Офталмоскопик манзара шишасимон тананинг орқа бўлимларига тарқаладиган плазморрагия ва геморрагияни визуализациялаш имконини беради. Липидларнинг тўпланиши сарғиш «қаттиқ» экссудатлар кўринишига эга. Оқсил трансудати «юмшоқ», кулранг рангда. Тўр пардасининг ишемик инфаркт соҳасида “пахтасимон” ўчоқлар ҳосил бўлади.	3-даражали гипертоник хориоидопатия (ХМҚ>290 мкм)
4-босқич. Ўзгаришлар қайтарилмас. Қон томирлар склеротик шикастланишининг сезиларли прогрессивлашуви характерлидир. Кўриш нерви дискининг шиши офталмоскопик визуализацияланади. Кўз олмасининг ички қавати тарафидан дегенератив ўзгаришлар кузатилади. Макуляр шиш ва кўз тўр пардасининг ажралиш хавфи жуда юқори.	

Изоҳ: Хориоидеянинг марказий қалинлигини (ХМҚ) кўрсаткичини баҳолаш SDOCT ёки SSОCT ёрдамида амалга оширилиши керак.

8-жадвалда ОКТА кўрсаткичлари асосида ГК сабаб бўлган шох пардаси ишемиясининг квалификациян мезонлари кўрсатилган.

8-жадвал

ОКТА кўрсаткичи асосида ГАРнинг модификацияланган квалификациян мезонлари ва Кейт-Вагенер-Баркерга кўра унинг босқичларининг ГАР босқичларига мувофиқлиги

Кейт- Вагенер-Баркер таснифи	ОКТА кўрсаткичлари асосида таснифи
1-босқичдаги ГК мавжудлигида таснифга кўра ГАРнинг офталмоскопик белгилари йўқ	<p align="center">1 босқич. (ГК сабабли юзага келган тўр пардасининг дастлабки ишемияси). Умумий VD: 19,5-22; Умумий PD: 36-38; CFA: 1,95-2,1 мм²</p>
<p>1-босқич. Патологик жараён фақат кўзнинг ички қавати томирларига тарқалган, ўзгаришлар қайтадиган. Томирларнинг торайиши ҳисобига вена ва артериялар диаметрининг нисбатини бузилиши кузатилади. Ягона артериовеноз кесишмалар аниқланади, Салюс I симптоми ижобий.</p>	<p align="center">2 босқич. (ГК сабабли юзага келган тўр пардасининг аниқ намоён бўлган ишемияси).</p> <p align="center">Умумий VD: 17,5-19,5; Умумий PD: 33-36; CFA: 1,8-1,95 мм²</p>
<p>2-босқич. Кўз тўр пардасининг органик шикастланишини дастлабки белгилари аниқланади. Ретинал томирларнинг деворлари қалинлашган, ёруғлик рефлекси кенгайган. Артериянинг томир деворининг қалинлашиши туфайли офталмоскопияда мисли ёки кумушли симга ўхшайди. Чекланган соҳаларда артериолаларнинг қисман ёки тўлиқ облитерация соҳалари кузатилади.</p>	
<p>3-босқич. Юқорида тасвирланган намоён бўлишларга нерв толаларининг шикастланиш симптомлари кўшилади. Офталмоскопик манзара шишасимон тананинг орқа бўлимларига тарқаладиган плазморрагия ва геморрагияни визуализациялаш имконини беради. Липидларнинг тўпланиши сарғиш «қаттиқ» экссудатлар кўринишига эга. Оқсил трансудати «юмшоқ», кулранг рангда. Тўр пардасининг ишемик инфаркт соҳасида “пахтасимон” ўчоқлар ҳосил бўлади.</p>	<p align="center">3 босқич. (ГК сабабли юзага келган тўр пардасининг оғир даражадаги ишемияси).</p> <p align="center">Умумий VD: <17,5; Умумий PD: <33; CFA: <1,8 мм²</p>
<p>4-босқич. Ўзгаришлар қайтарилмас. Қон томирлар склеротик шикастланишининг сезиларли прогрессивлашуви характерлидир. Кўриш нерви дискининг шиши офталмоскопик визуализацияланади. Кўз олмасининг ички қавати тарафидан дегенератив ўзгаришлар кузатилади. Макуляр шиш ва кўз тўр пардасининг ажралиш хавфи жуда юқори.</p>	

Диссертациянинг “Қон зардоби ва кўз ёш суюқликдаги биокимёвий маркерларни ўрганиш натижалари” деб номланган тўртинчи бобида ГАР бўлган беморларнинг қон ва кўз ёш суюқлигидаги эндотелин-1 ва Д-димерларни ўрганишнинг назарий асосланиши, тадқиқот гуруҳлари беморларининг қонидаги эндотелин-1 ва Д-димерлар даражасини баҳолаш натижалари шунингдек, тадқиқот гуруҳлари беморларида кўз ёш суюқликдаги эндотелин-1 ва Д-димерлар даражасини баҳолаш натижалари келтирилган.

Тадқиқот гуруҳларининг репрезентативлигини ошириш учун қон ва кўз ёш суюқлигининг биокимёвий кўрсаткичларини баҳолаш босқичида эндотелин-1 ва Д-димерлар даражасини баҳолаш мақсадида ҳар бир кичик гуруҳда қон ва кўз ёш суюқлини олиш учун рандом (тасодифий тартибда) шаклида 30 та субъект танланган.

Беморларда қондаги эндотелин-1 даражаси ва офталмологик кўрсаткичлар ўртасидаги боғлиқликни баҳолаш натижалари шуни кўрсатдики, қондаги эндотелин-1 даражаси ва ГАР босқичидаги офталмологик кўрсаткичлар, максимал коррекцияланган кўриш ўткирлиги (МККЎ), хориоидеянинг марказий қалинлиги (ХМК), томирлар ва перфузиянинг умумий зичлиги (VD ва PD), шунингдек хориокапилляр қон оқими зонаси (CFA) ўртасидаги боғлиқлик камроқ намоён бўлган ва суст корреляцион боғлиқликка мос келган ($0,20 < r < 0,40$). 1-назорат гуруҳида ХМК, умумий VD ва PD ҳамда CFA кўрсаткичларига нисбатан нисбий кучлироқ боғлиқлик қайд этилган. 1-асосий гуруҳда корреляция 2-асосий гуруҳдаги корреляция билан таққосланганида нисбатан кўпроқ намоён бўлган. Умуман олганда, натижалар шуни кўрсатадики, қондаги эндотелин-1 даражасининг ГАР билан боғлиқ офталмологик параметрларга таъсири патологик жараённинг бошланғич босқичларида юқори бўлган (9-жадв).

9-жадвал

Беморларда қондаги эндотелин-1 даражаси ва офталмологик кўрсаткичлар ўртасидаги боғлиқликни баҳолаш натижалари

Клиник кўрсаткичлар	Гуруҳларда эндотелин-1 даражаси				
